

World Conference on Social Sciences, Law and Public Policy
Hosted Online from Toronto, Canada
Date: 26th October, 2026
Website: https://econferencia.com

ДАВЛАТ ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ШЕРИКЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСИДА ТУРИСТИК ОБЪЕКТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Махмудов Собир Худойбердиевич
СамИСИ Туризм кафедраси доценти

Аннотация
Мақолада туристик салоҳиятини оширишда давлат хусусий тадбиркорлик шериклигини ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлашда катта имкониятлар яратилаётганли, меҳмонхона индустиясини ривожлантиришга йўналтирилган инвестицион ресурслар кўламини кенгайтириш каби бир қанча таклиф ва мулоҳазалар ўрин олган.

Калит сўзлар: Туристик салоҳият, аҳолини иш билан таъминлаш,ахоли даромадлари, меҳмонхона бизнеси.

Самарқанд вилоятига туристларни интенсив жалб этиш, туристлар оқимини кўпайтириш, туризмни ҳудудий ялпи махсулотни шакллантиришнинг асосий манбаига айлантириш вилоятда туризмни ривожлантириш бўйича бир қатор муҳим чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо этади.
Самарқандга ташриф буюрувчи хорижлик ва маҳаллий туристларнинг тез суръатлар билан ўсиш суръатларига мос равишда уларни қабул қилиш ва жойлаштириш воситалари, яъни меҳмонхоналар ва меҳмон уйларининг сони улардаги хоналар ва хоналардаги ўринлари сони ҳам тез суръатлар билан кўпайиб боради. Масалан, 2020-2023 йиллар давомида Самарқанддаги меҳмонхоналар сони 180 тадан 250 ёки 38,9 фоизга, улардаги ўринлари сони эса 5060 тадан 6150 тагача, яъни 21,5 фоизга

ошиши прогноз қилинган. Шу давр мобайнида мехмонлар уйи сони ҳам кескин кўпаяди. Туристларни қабул қилиш ва жойлаштириш билан шуғулланувчи туроператорлар сони ҳам тез кўпайиб, 2023 йилда 270 тага етиши башорат қилинган. Уларнинг ривожланиш суръати 38,5 фоизни ташкил этиши лозим. Самарқанд вилояти шаҳар ва туманларида туризм соҳасини ривожлантириш мақсадида асосий эътибор меҳмонҳоналар сонини кўпайтириш, уларни қувватини ошириш, янги мехмонхоналарни қуриб ишга тушириш, уларни замон талабларига мос тарзда жиҳозлаш, инновацион технологияларни ривожлантиришга қаратилади.

Самарқанд вилоятида ҳозирги кунда туризм соҳасида вужудга келган вазиятда меҳмонхона бизнесини жадал ривожлантиришга йўналтирилган сиёсатни тўғри ва оқилона сиёсат деб ҳисоблаймиз. Чунки биринчидан, меҳмонхона хизматлари туризм хизматлари таркибида асосий аҳамиятга эга бўлиб, улар туристларда саёҳат тўғрисида ижобий таассурот қолдиришда катта рол ўйнайди. Иккинчидан, муҳим тадбирлар (Наврўз байрами, фестиваль) чоғида, мавсумнинг қизғин паллаларида мехмонхонага эркин жойлашиш муаммоси юзага келади. Учинчидан, жойлар танқислиги рақобат муҳитига салбий таъсир кўрсатади ва бунинг натижасида Самарқандда умуман Ўзбекистонда меҳмонхона хизматларининг нархи жуда баланд. Кўпинча туристлар ҳақли равишда бошқа давлатлардаги, Масалан, Прага, Амстердам, Римдагига солиштирганда анча баландлигини таъкидлашади. Ваҳоланки, меҳмонхоналарнинг фақат айримларида хизмат сифати даражаси бугунги кун талабларига жавоб беради. Меҳмонхона тўғрисидаги намунавий низом қоидаларига мувофиқ меҳмонхона хизматларининг ҳажми ва сифатига доир талаблар назарда тутилмаган ҳолларда хизматни бажарувчи яъни мехмонхона хизматларини тақдим этувчи тадбиркорлик субъекти ва

ташриф буюрувчи мехмон, яъни буюртмачининг ўзаро келишувига биноан белгиланади. Демак, меҳмонхона хизматининг нархи бажарувчи томон ташаббуси билан мустақил белгиланади. Бундай вазиятда меҳмонхона нархларини назорат қилиш ва юқори бўлиб кетишига йўл қўймасликнинг яккаю-ягона воситаси рақобатни кучайтиришдир. Лекин, меҳмонхона индустриясини жадал ривожлантириш сиёсатининг ўзи Самарқандда туризмни ҳудуд иқтисодиётининг етакчи тармоғига айлантириш муаммосини фақат қисман ҳал қилади. Тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда Самарқандда меҳмонхона индустриясини ривожлантиришга йўналтирилган инвестицион ресурслар кўламини кенгайтириш сиёсатининг тўғрилигини эътироф этган ҳолда, келажакда меҳмонхоналар фаолиятида мавжуд айрим муаммоларни ҳал қилиш ва меҳмонхона хизматлари сифатини оширишга оид ўзимизнинг таклифларимизни бермоқчимиз.Бу борада бизнинг таклифларимиз қуйидагилардан иборат:

-меҳмонхона бизнесининг иқтисодий асослари ва бошқарув тизимига, меҳмонхона хизматларининг нозик сир-асрорларини тадқиқ этишга бағишланган илмий ишлар кўламини кескин кўпайтириш, университет даражасида меҳмонхона хизматлари ва менежментини ўқитиш тизимини такомиллаштириш;

-меҳмонхона хизматларини диверсификациялаш, уларнинг турларини кўпайтириш ва сифатини тубдан яхшилаш соҳа ходимларида меҳмонлар маданий муомалада бўлиш санъатини ривожлантириш;

-меҳмонхона сайтларини узлуксиз модернизация қилиш ва оптималлаштириш, юқори технологияли инновацион сайтларни ишлаб чиқиш, ўринларни онлайн бронлаштириш режимини йўлга қўйиш;

-меҳмонхоналарни туризм иқтисодиётининг муҳим таркибий қисми сифатида турмахсулотларни сотишдаги ролини ошириш, уларда ташриф

буюрганлар учун нафақат турар жой ва овқатланиш хизматларидан ташқари меҳмонлар учун транспорт, алоқа, кўнгил очар экскурция хизматлари, тиббиёт, спорт, гўзаллик салонлари, санъат каби кенг қамровли ҳар хил хизматларни жадал ривожлантириш;

-мехмонхоналар тармоғини тарихий ва бадиий қийматга эга бинолар, меъморий ёдгорликлар, саройларни қайта тиклаш, мехмонхонага айлантириш мумкин бўлган тарихий объектларни жалб этиш орқали кенгайтириш. Чунки сайёҳларга тарихий биноларда яшаб кўриш имкониятини туғдириш орқали уларда қўшимча завқланиш ва рағбатланиш имкониятини яратади.

Самарқанд вилояти тарихий-маданий салоҳиятини рўёбга чиқариш тарихий обидалар, санъат асарлари, қўлёзма ва музей коллекцияларини, мусиқа, рақс ва тил каби анъанавий ифода усулларини сақлаб қолиш ишларига катта маблағни жалб этишни тақозо этади. Айниқса, қадимги ёдгорликларни асраб-авайлаш, уларни келажак авлодлар учун сақлаб қолиш тарихий иншоотларда бузилаётган фрагментларни қисман сақлаб қолиш усули билан кейинги пайтларда етказилиши мумкин бўлган зарарларнинг олдини олиш ҳамда муҳофаза қилиш молиявий жиҳатдан жуда катта сарф-харажатлар эвазига амалга оширилиши мумкин.

Бизнингча, Самарқанд вилояти тарихий-маданий туристик салоҳиятини сақлаб қолиш ва уни янада юксалтиришнинг муҳим йўналиши сифатида давлат-хусусий шериклиги тамойилларини қўллаш асосида катта миқдордаги ишлар амалга оширилиши лозим. Бу йўналишдаги асосий ишлар биринчидан тарихий ёдгорлик объектларини тиклаш консервациялаш ҳамда уларни муҳофаза қилишга, икинчидан эса объект ҳудуди ва теварак атрофини ободонлаштириш, дилкаш ва жозибали қилишга қаратилган бўлмоғи лозим.



World Conference on Social Sciences, Law and Public Policy
Hosted Online from Toronto, Canada
Date: 26th October, 2026
Website: https://econferencia.com

Кенг маънода ушбу шерикликни давлат ва хусусий секторнинг манфаатларини мувофиқлаштиришнинг ва ўзаро боғлиқ ҳолда ҳаракат қилишни таъминлашнинг ҳуқуқий механизм сифатида талқин қилиш мумкин. У ижтимоий тараққиёт нуқтаи назаридан муҳим бўлган вазифаларни бажаришда давлат органлари ҳамда бизнес ўртасида ўзаро ҳамкорлик ўрнатиш асосида уларнинг имкониятларини бирлаштиришнинг самарали воситаси ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони.
2.Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора тадбирлар тўғрисида Фармони. Халқ сўзи. 2018 йил 6 феврал.
3.ЎзбекистонРеспубликасиВазирлар Маҳкамасининг2019 йил 30 сентябрдаги 828-сон қарори
4.Давлат ҳусусий шериклиги нима? https: //zamin.uz
5.Брон қилиш, ташриф буюурувчиларни расмийлаштириш ва бошқаларини белгиловчи намунавий Низом. 20.05.2019 йилда 3160-сон билан рўйхатдан ўтказилган.